# П У Д Р А Т   Ш А Р Т Н О М А С И №41

«20» IX 2022 й.                                                    Кизилтепа туман

"Polaris Inter Tech" МЧЖ кейинги уринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Давлатов Г. Г. бир томондан ва Тошработ-Ургагул ЮБ кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи А. Фаттоев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан Ирригация тармоқларидаги т/б ишлабларини ж/б «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 540571000 сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим килинган хужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг киймати суммаси беш юз қирқ млн беш юз етмиш бир минг сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши « 19 » IX 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаш вакти « 09 » X 2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида курсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи суммаси 540571000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 162171300 сўм микдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тулов **2022 йилнинг** сентябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 378399700 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим қилгандан сўнг шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилади.

4.2.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.3.«Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси суммаси 540571000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар хафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш-монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тулайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;
-кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;
-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик

бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг тўланмаган нархидан 0,04% миқдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. "Буюртмачи" тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

## 7.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1.Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

## 8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8.2. Мазкур шартнома **2022 йил 31 декабргача** амалда бўлади.

## 9.БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

9.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан узаро ҳамкорлик килиб турадилар.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«ПУДРАТЧИ»**

ООО Polaris Inter Tech

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Навоий ш, Бог шамол кўчаси 21 уй

Тел./факс 93-460-31-73

х/р 20208000500773736001

Ипотекабанк Навоий

МФО 00205

ОКОНХ

СТИР 304907314

Раҳбар Давлатов Г.Г.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Бошработ-Ўртачўл ИТБ

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Қтепа ш. Ўзбекистон ш/к

Тел./факс

шх/в 100021860122167042402170001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204664804

ОКОНХ 01613

Ғазначилик бўлинмаси номи:

**Кизилтепа туман буйича Ғазначилик булинмаси**

Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Раҳбар А. Фаттоев

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ҚУЙИ-ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ
ТИЗИМЛАРИ
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ

ТОШРАБОТ-ЎРТАЧУЛ ИРРИГАЦИЯ
ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SUV XO`JALIGI
VAZIRLIGI
Quyu-Zarafshon irrigatsiya tizimlari
havza boshqarmasi

"Toshrabot-O`rtacho`l" irrigatsiya
tizimi boshqarmasi

Navoiy viloyai Qiziltepa shahri O`zbekiston shox ko`chasi 38-uy: xp:2340200300100001010 ИНН:204664804

El.pochta: tu.itb@agro.uz. Faks 0-436-555-34-69

2022йил 20 Сентябр

Қизилтепа щахар

Тошработ-Ўртачўл ирригация тизими бошқармаси бошлиғи А.Фаттоев ҳамда ООО"Polaris inter tech" рахбари Г.Г.Давлатов ўртасида Бошқарма балансига бўлган ирригация тармоқларидагигидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисидаги 2022 йил 20 сентядаги №41 -сонли шартномага асосан 540571000сўмлик келишув юзасидан Ўзбекитон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуннинг 20-21 моддаларига асосан ўтказилган ҳуқуқий тахлилга кўра қуйидагилар аниқланди.

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб 2нусхада ўзбек тилида тузилган.

Шартнома тарафларнинг мажбуриятлари, қўшимча шартлар ва унинг ҳуқуқий кучга кириш вақти 20 календар кун ҳамда амал қилиш муддати 31.12.2022 йил деб аниқ қилиб белгиланган .

Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда тарафларнинг жавобгарлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўрсатилган.

Шартнома муддати 20.09.2022 йилдан 31.12.2022йилгача қилиб белгиланган.

Шартнома 540571000 (Беш юз кирк миллион беш юз етмиш бир минг) сўм миқдорида тузилиб, ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги № 241 сонли қарори талабларига тўғри келади.

Тузилган шартнома юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган низони ечиш тартиби томонларнинг келишувига асосланиши, музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда вилоят хўжалик суди томонидан келиб чиқилиши таъкидланади.

Томонларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили, тартиб рақамлари тўғри ҳамда қонуний эканлиги текширилди.

Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари ва ҳуқуқ нормаларига, шунингдек фуқаролик кодексининг 631-665 моддалари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуннинг 10-15 моддалари талабларига мос келади.

USHBU SHARTNOMA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
TEGISHLI QONUNLARI HAMDA
NORMATIV HUQUQIY HUJJATLARI
TALABLARI ASOSIDA
TUZILGAN____________
______ ____________20____yil

**Тошработ-Ўртачўл ИТБ ҳуқуқшуноси:** **М.Отаева**

М. Отаева